

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
**Ўзбекистон Республикаси Алоқа,  
ахборотлаштириш ва телекоммуникация  
технологиялари давлат қўмитаси  
раиси ўринбосари**

\_\_\_\_\_ **Ш.Шерматов**

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ **2014 й.**

**“Ахборот хавфсизлиги бўйича ўқув тренинг ўтказиш”  
хизматини кўрсатиш бўйича Регламент**

**1. Хизмат тавсифи(паспорт)**

**1.1. Хизматнинг номи**

Ахборот хавфсизлиги бўйича ўқув тренинг ўтказиш.

**1.2. Хизмат натижаси**

Аризачига билдиришнома тақдим этиш.

**1.3. Хизмат кўрсатувчи ва иш хизмат бланкасини тақдим этувчи орган**

“Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази” ДМ

Манзил: 100069, Тошкент ш, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 282-А уй.  
Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz).

**1.4. Ҳуқуқий асоси**

1997 йил 29 августдаги 463-1-сонли кадрларни таёрлаш миллий дастури.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳузуридаги “Электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш маркази ҳамда Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 250-сонли қарори.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 355-сонли Қарори.

**1.5. Хизматдан фойдаланувчилар**

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимият органлари ва юридик шахслар.

**1.6. Мурожаатни юбориш муддати**

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги № 355-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизими талабларига кўра давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимият

органлари учун локал ва корпоратив тармоқларни ахборот хавфсизлиги талабига мувофиқ тренинг ўтказиш камида 1йилда бир маротаба ўтказиш тавсия этилади. Юридик ва жисмоний шахслар учун – иш зарурияти юзасидан.

### **1.7. Мурожаатни бажариш муддатлари**

Мурожаатни бажариш муддатлари шартномада келишиб олинади.

### **1.8. Мурожаатни қабул қилинганлиги бўйича хабар бериш**

Хизматни кўрсатиш бўйича тўғри тўлдирилиб, юборилган мурожаат юзасидан 2 кунлик муддат ичида мурожаатчига мурожаат қабул қилинганлиги ва уни ҳолати бўйича тегишли хабар берилади (масалан, Ягона интерактив давлат хизматлари порталида – мурожаат кўриб чиқиш учун қабул қилинганлиги бўйича хабар).

## **2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот бериш**

### **2.1. Маълумотнинг тавсифи ва ҳажми**

Ҳар қандай мурожаатчи шахсга қуйидаги маълумотларни тақдим этиш кафолатланади:

- хизмат кўрсатувчи орган жойлашган манзил, унинг иш тартиби, мурожаатларни қабул қилиш тартиби (олдиндан буюртма бериш, мурожаатларни қабул қилиш кунлари, навбат кутиш ва бошқалар);
- хизматдан фойдаланиш бўйича қисқача маълумот;
- хизмат кўрсатиш муддатлари;
- хизмат кўрсатиш регламенти мавжудлиги ва регламент билан танишиб чиқиш бўйича маълумот.

### **2.2. Кенг қамровли маълумот бериш**

Хизмат кўрсатиш бўйича стандарт маълумотлар қуйидаги усуллар орқали тақдим этилади:

- 100069, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 282-А уй манзили орқали;
- (99871) 277-87-82 телефон рақамларига қўнғироқ қилиб боғланиш орқали;
- Марказнинг расмий веб-сайти орқали ([www.infosec.uz](http://www.infosec.uz)).

### **2.3. Мурожаат бўйича маълумот бериш**

Шахсан: мурожаатчи ҳафтанинг иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача мурожаат қилиб, хизмат кўрсатиш, хизматдан фойдаланиш, мурожаат юбориш, ҳужжатлар тақдим этиш тартиби, ҳисоб реквизитлари ва бошқа саволларга жавоб олиши мумкин.

Телефон орқали: ҳафтанинг иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача (10 дақиқадан ошмайдиган вақт давомида) мурожаатчи ўзини қизиқтирган барча саволлар (хизмат кўрсатиш, катта ҳажмдаги маълумот тақдим этиш, ҳисоб реквизитлари ва бошқалар) бўйича оғзаки маълумот олиши мумкин.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали ([my.gov.uz](http://my.gov.uz)) орқали.

2.4. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида маълумот бериш.

Бош идора:100069Тошкент ш, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 282-А уй.

2.5. Хизматдан фойдаланиш учун керакли ҳужжат бланка (форма)лар.

- Марказ директори номига хизмат кўрсатиш бўйича расмий мурожаат;
- хизмат кўрсатиш бўйича томонлар ўртасидаги келишув шартномаси.

### **3. Хизмат кўрсатиш**

3.1. Иш вақти

Иш вақти соат 9:00 дан 18:00 гача давом этади. Тушликсоат 13:00 дан 14:00 гача.  
Дам олиш кунлари: шанба ва якшанба.

### **4. Хизмат кўрсатиш тартиби**

4.1. Керакли ҳужжатлар

Хизматни кўрсатиш учун мазкур регламентнинг 2.5 бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари бошқа ҳужжатлар талаб этилмайди.

4.2. Хизмат учун ҳақ тўлаш

Давлат ва хўжалик бошқарув органлари учун, шунингдек юридик шахслар учун хизмат пуллик асосда кўрсатилади, хизмат нархи шартномада кўрсатилади.

4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари

Хизмат кўрсатиш босқичларининг тархи мазкур регламентнинг 1-илоvasида келтирилган.

4.4. Хизмат кўрсатиш учун соҳа корхоналари билан олиб бориладиган ишлар тартиби.

- 1) Кўрсатиладиган хизматлар бўйича аризаларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш.
- 2) Машғулотларни графикани тузиш ва гуруҳларни тўплаш.
- 3) Машғулот ҳақида шартномани келишиш.
- 4) Машғулот.

4.5. Мурожаатни рад этиш асослари

- мурожаат юборган шахсда хизмат бўйича хулосани қабул қилиш ҳуқуқи ёки ваколати йўқ бўлса, бошқа шахслар номидан мурожаат юборилган бўлса;
- ҳужжатлар белгиланган талабларга жавоб бермаса (нотўғри расмийлаштирилган, тегишли асослар берилмаган);
- тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри маълумотлар берилган бўлса;
- хизматлар кўрсатишга, мурожаатлар талабларига шахснинг тўғри келмаслиги.

### **5. Хизмат сифатини таъминлаш**

5.1. Сифат параметрлари

Хизмат сифатсиз деб топилади:

- агар хизматни бажаришда муддатларга риоя этилмаса;

5.2. Сифатсиз хизмат юзасидан шикоят қилиш.

Мурожаатчи тренинг натижаларидан қониқмаганлиги сабаби Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳузуридаги “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази” раҳбари номига шикоят ёзиши ёки амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда ёзма мурожаат қилиши мумкин.

**«КИРИТИЛДИ»**

**“Ахборот хавфсизлигини  
таъминлаш маркази” ДМ  
Директорининг биринчи ўринбосари**

\_\_\_\_\_ **З. Рахматуллаев**

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ **2014 йил**

**«КЕЛИШЛГАН»**

**Ўзбекистон Республикаси Алоқа,  
ахборотлаштириш ва  
телекоммуникация технологиялари  
давлат қўмитаси Ахборот хавфсизлиги  
бўлими бошлиғи**

\_\_\_\_\_ **А. Гафуров**

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ **2014 йил**

**«КЕЛИШИЛГАН»**

**“UZINFOCOM” Маркази ДУК  
Директор ўринбосари**

\_\_\_\_\_

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ **2014 йил**

**«КЕЛИШИЛГАН»**

**“Электрон ҳукумат” тизимини  
ривожлантириш маркази  
директор ўринбосари**

\_\_\_\_\_

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ **2014 йил**

**“Ахборот хавфсизлиги бўйича ўқув тренинг ўтказиш учун мурожаатларни қабул қилиш” хизматини кўрсатиш тархи**

